## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

#### БЕРДАК НОМИДАГИ КОРАКАЛПОК ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

#### ЭГАМБЕРДИЕВ ЭДУАРД ХАЖИБАЕВИЧ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НИКОХДАН АЖРАТИШНИНГ ХУКУКИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

 $12.00.03 - \Phi$ уқаролик хукуқи. Тадбиркорлик хукуқи. Оила хукуқи. Халқаро хусусий хукуқ

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

# Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Эгамбердиев Эдуард Хажибаевич	
Ўзбекистон Республикасида никохдан ажратиш	нинг хукукий асосларини
такомиллаштириш	3
Эгамбердиев Эдуард Хажибаевич	
Совершенствование правовых основ расторжен	ния брака в Республике
Узбекистан	
Egamberdiev Eduard Khajibaevich Improving the legal framework for divorce in the Repu	ıblic of Uzbekistan 43
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ	
List of published works	47

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАКАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

#### БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

#### ЭГАМБЕРДИЕВ ЭДУАРД ХАЖИБАЕВИЧ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НИКОХДАН АЖРАТИШНИНГ ХУКУКИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.03 – Фукаролик хукуки. Тадбиркорлик хукуки. Оила хукуки. Халқаро хусусий хукук

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Yu195 ракам билан руйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг вебсахифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар: Имомов Нурилло Файзуллаевич

юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Рахмонкулова Нилуфар Ходжи-Акбаровна

юридик фанлар доктори, доцент

Палуаниязов Халмухаммед Аитжанович

юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий

кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация химояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019. Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 28 апрель соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шахар, Сайилгох кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (942-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» апрелда тарқатилди. (2021 йил «13» апрелдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

#### И.Р. Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

#### Д.Ю. Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

#### С.С. Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

#### КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда демократия ва жамият ривожланиши билан оилавий тотувлик ва бирдамликка салбий таъсир кўрсатувчи омил сифатида эътироф этилаётган оилавий хаётнинг индивидуаллашуви тенденцияси юзага келмокда. Ушбу ўзгариш анъанавий оиланинг бузилишига, оилавий қадриятларнинг қадрсизланишига ва никохдан ажралишлар сонининг кўпайишига олиб келмокда. БМТнинг маълумотларига кўра, дунёда XX асрнинг 70-йилларидан хозирги кунгача никохдан ажралишлар сони икки бараварга ошган ва тузилган никохларнинг ярми ажралиш билан тугамокда. Шу муносабат билан кўплаб мамлакатларда никохдан ажратиш муаммолари ва сабаблари, оилани сақлаб қолиш йўлларини ўрганиш зарурати юзага келмокда.

Жахонда никохдан ажратиш масалаларида ярашув институти, оилавий сирни мухофаза қилишга ва собиқ эр-хотинлар орасида муносабатларни янада ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда, хусусан, алохида низоларни хал қилишда медиациядан кенг фойдаланиш, никохдан эр-хотиннинг мажбурий равишда алохида яшаш ажралишдан олдин қоидалари, никохдан ажралишга айбдор бўлган эр ёки хотин томонидан компенсация нафакасини тўлаш, никохдан ажратилган эр-хотиннинг мулкий тенглаштириш, никохдан ажратиш вақтида эр-хотин фарзандларнинг яшаш жойи, шахсий буюмлари ва моддий таъминот олиши бўйича вақтинчалик чораларни жорий қилиш масалаларига мухим илмийамалий ахамият касб этадиган тадкикот йўналиши сифатида алохида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда никохдан ажралиш арафасида турган оилани сақлаб қолиш ва мустахкамлашга алохида эътибор қаратилиб, ярашиш учун мухлат бериш, уй-жойга мухтож оилаларга субсидиялар тўлаш, никох ёшини ошириш, Махалла ва оилани кўллаб-кувватлаш вазирлигини тузиш, никохдан ажратиш учун давлат божини кўпайтириш, никохни бузилиш сабабларини илмий-амалий тахлил қилувчи тадқиқот институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича каби қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш, улар саломатлигини мустахкамлаш, оналик ва болаликни мухофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чакалоклар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш»<sup>2</sup> масалалари ахолини ижтимоий химоя килиш тизимини такомиллаштириш устувор вазифа этиб белгиланган бўлиб, бу борадаги

\_

 $^1\ https://unstats.un.org/unsd/demographic-social/products/dyb/dybsets/2018.pdf$ 

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришни долзарб этиб белгиламокда.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Оила кодекси, 2018 йил 22 январдаги Фукаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустахкамлаш сохасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги Фармони, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон «Ўзбекистон Республикасида оила институтини концепциясини тасдиклаш тўгрисида»ги, мустахкамлаш сентябрдаги ПК-4818-сон «Суд органлари хокимияти фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон «Фукаролик холати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўгрисида»ги қарори ва мавзуга оид бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадкикот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғликлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг І. «Демократик давлатни ва хукукий жамиятни маънавий-ахлокий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофик бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар никохдан ажратиш муаммоси юртимиз хукукшунослари томонидан алохида илмий мақолалар, тезислар ва монографиянинг бир қисми шаклида ўрганилган. Рахмонкулов, Ш.Ш. X.P. И.Б. Зокиров, Шорахметов, Ф.М.Отахўжаев, М.С. Восикова, Г. Иномжонова, З.Н. Эсанова, И.Б. Джураева, У.Ш.Шарахметова, H.X. Рахмонкулова, Л.Ж. Отегенова Х.Б.Абдурахмоновалар ўз тадкикотларида никох тузиш тартиби ва шартлари, никохдан ажратишни амалга оширувчи органларнинг роли, никохнинг хақиқий эмаслиги, шунингдек вояга етмаган болаларнинг хуқуқларини химоя масалаларини ўрганишган. О.Окюлов, Д.М.Караходжаева, килиш Ш.Р.Юлдашева, Э.Эгамбердиев, М.Х.Баратов, Б.Р.Топилдиев, Р.Ж.Маткурбанов, И.И.Насриев, Н.А.Ашурова ва И.Б. Якубовалар<sup>3</sup> эса у ёки бу тарзда никохни тузиш, ФХДЁ органлари ва суд органларида никохдан ажратиш, оилада шахсий номулкий хукукларни химоя килиш муаммоларини тадкик этишган.

Никохдан ажратиш муаммоси МДХ давлатлари тадқиқотчилари томонидан ҳам кенг ўрганилган. Жумладан, М.В. Антокольская, А.М.Нечаева, Л.М. Пчелинцева, П.В. Крашенинников, Н.А. Матросов, Л.В. Воробьева, М.С.Каменецкая, В.В. Измайлов ва Я.В. Наумовлар<sup>4</sup> халқаро хусусий ҳуқуқда,

<sup>4</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлик рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

6

 $<sup>^{3}</sup>$  Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

Россиянинг оила қонунчилигида, ФХДЁ органларида никохдан ажратиш масалаларини, шунингдек боланинг оилавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Никохдан ажратиш жараёнини F.Gharaibeh, N.F. Bromfield, A. Lambert, A.Parashar, F. Dominello, G. Becker, H. Brooke, M. Hanson, E. Lynch, J. Herring, J. Härkönen, K. Standley, P.R. Amato, S. James<sup>5</sup> чет эл мамлакатларида долзарб муаммоларини ўрганган олимлар сифатида кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизда ўтказилган номлари келтирилган олимларнинг тадқикотлари ФХДЁ ва суд органларида никохдан ажратишнинг хукукий тартибга солиш, вояга етмаган болалар хукукларини химоя килишга бағишланган бўлиб, собик эр-хотинлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, никохдан ажралишга айбдор бўлган эр ёки хотин томонидан компенсация нафакасини тўлаш, никохдан ажратиш ишини кўриб чикишда эр-хотин ва фарзандларнинг яшаш жойи масалаларига комплекс тадкик килинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадкикот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация мавзуси Бердак номидаги Қорақалпок давлат университетининг илмий тадкикот ишлари режасига киритилиб "Оила конунчилигини такомиллашитиришнинг истикболари" номли илмий тадкикотнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадкикотнинг максади** Ўзбекистон Республикасида никохдан ажратишни хукукий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида никохдан ажратиш тушунчалари ва асосларини комплекс тарзда ўрганиш;

никохдан ажратиш муаммолари бўйича мамлакатимиз ва хорижий илмий ва хукукий манбаларни тадкик этиш;

Ўзбекитон Республикасидаги демографик вазият бўйича статистик маълумотларни тахлил қилиш;

яраштирув институтини қўллаш ва фаолиятининг асосий муаммоларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ аниқлаш;

мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ эрхотин учун никоҳдан ажратиш оқибатларини ўрганиш;

ФХДЁ ва суд органларида никохдан ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги ва хукукни кўллаш амалиётини ўрганиш;

никохдан ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги хукукий хужжатларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чикиш.

 $<sup>^{5}</sup>$  Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

**Тадкикотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида никохдан ажратиш билан боғлиқ ижтимоий-хуқуқий муносабатлар хисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикасида никохдан ажратиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда юридик илм-фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тизимли-тузилмавий, диалектик, формал-юридик, тарихий-ҳуқуқий, қиёсий ҳуқуқий, мантиқий (таҳлил, синтез, дедукция ва индукция), лингвистик, статистик, лонгитюд ва ижтимоий сўровнома каби усуллар қўлланилган.

#### Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

никох ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланиши ҳамда бунда эмансипация орқали эрта никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги асослаб берилган;

қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши зарурлиги асослаб берилган;

никохдан ажратиш ҳақидаги даъво аризасининг кўрмасдан қолдирилиши, бунга асос бўлиб ҳизмат қилган ҳолатлар барҳам топган бўлса, такрорий равишда судга никоҳдан ажратиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилишга тўсқинлик қилинмаслиги асослаб берилган;

никохдан ажратиш ишларини судда кўриш жараёнида ярашиш учун бериладиган муҳлат уч ойдан кам бўлиши самарасиз ҳисобланиши ҳамда эрхотинни яраштириш мақсадида олти ойлик муҳлат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкинлиги асослаб берилган.

#### Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

никохдан ажратишга айбдор бўлган эр ёки хотин иккинчи томонга белгиланган пул, умрбод рента кўринишида компенсация нафакасини тўлаши ёки мулкка бўлган ҳуқуқни ўтказиши лозимлиги асослаб берилган;

никохдан ажратиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга киргандан кейин уч кун ичида судлар томонидан ушбу қарордан кўчирма электрон шаклда ФХДЁ органларига юбориш амалиётини жорий қилиш зарурлиги асослаб берилган;

оила қонунчилигига оилавий сир (оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг таржимаи ҳоли, эр-хотиннинг шахсий ҳаёти, мулкий муносабатлари, фарзандликка олиш ва оила аъзолари сир сақлашни истаган бошқа маълумотлар) институтининг жорий қилиш лозимлиги асослаб берилган;

айни бир тарафлар, асослар ва низо бўйича суд қарор қабул қилганда, даъвогар ўз талабларидан бош тортганда ёки келишув битими тасдиқлангандан кейин тарафлар никохдан ажратиш ишларини истисно тариқасида судга қайта мурожаат қилишини фукаролик процессуал қонунчилигига жорий қилиниши асосланган;

оилавий сирни муҳофаза қилиш талабларидан келиб чиқиб, оилавий масалалар бўйича суд мажлисини ёпиқ тарзда ўтказиш мақсадга мувофиклиги асослаб берилган;

никох тузилган кундан бошлаб бир йил ўтмасдан никохдан ажратишни тақиқловчи норманинг жорий қилиниши ёш оилалар ўртасида ажрашишлар сони камайишига олиб келиши асослантирилган;

никохдан ажратиш қарори қабул қилингунча ёки иш тарафларнинг ярашуви муносабати билан тугатилгунча суд томонидан белгиланадиган вақтинчалик чоралар эр-хотин ва болаларнинг яшаш жойи, кийим-кечак ва шахсий буюмларни олиш, турмуш ўртоғи ёки фарзандларни моддий таъминлаш масалалари ҳал қилиниши асослаб берилган;

яраштириш таомилини фақат медиаторлар ва судлар томонидан амалга оширилиши оилавий сирни муҳофаза қилинишини таъминлаш ҳамда оилани сақлаб қолиш учун ушбу таомилнинг самарадорлиги ошиши асосланган.

Тадкикот натижаларининг ишончлилиги. Тадкикот натижаларининг асослантирилгани ишончлилиги тегишли методологиядан фойдаланилганлиги. ривожланган мамлакатлар тажрибаси миллий қонунчиликнинг норматив-хуқуқий хужжатлари билан таққосланганлиги, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги «Оила» илмийамалий тадкикот маркази билан биргаликда фукаролик ишлари бўйича судьяларнинг никохдан ажратиш ишларига муносабатини ўрганишга оид ижтимоий тадкикот олиб борилганлиги, мамлакатимиз хамда хорижий илмий адабиётлар ва норматив-хукукий хужжатларнинг тахлил килиниши, тадкикот натижаларининг амалиётга татбик килиниши ва давлат органлари томонидан тасдикланиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, илмий-назарий таҳлил асосида олинган натижалардан ушбу соҳадаги илмий изланишларда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, никоҳдан ажратиш, медиацияни қўллаган ҳолда яраштириш таомилларини амалга ошириш, никоҳ ва оилавий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик нормаларини талқин қилишда ва қонунларга шарҳлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, улардан қонун ижодкорлиги фаолиятида, ҳусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ва олий юридик таълим муассасаларда оила ҳуқуқи фанини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Никохдан ажратишга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди ва жорий қилинди:

никох ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланиши ҳамда бунда эмансипация орқали эрта никох тузишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги таклиф Оила кодексининг 15-моддаси биринчи қисмига "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида"ги 2019 йил 28 августдаги ЎРҚ-558-сонли Қонуни билан

киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2020 йил 16 декабрдаги 04/3-05-59-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши вояга етмаган болалар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, эрта никоҳ туфайли ажралишлар сонини камайтириш имконини берди;

қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллукли масалаларни хал килишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чикиши хамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан холда қарорлар қабул қилиши хақидаги таклиф Оила кодексининг 68-моддасига "Бола хукукларининг кушимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида"ги 2020 йил 10 мартдаги ЎРК-608-сонли Конуни билан киритилган ўзгартиш қўшимчаларда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси Мехнат ва ижтимоий масалалар кумитасининг 2020 йил 16 декабрдаги 04/3-05-59-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши ота-она никохдан ажратиш ва суд томонидан ота-оналардан бири билан болани кейинги яшаш масаласини күриб чикиш вактида вояга етмаган болалар хукукларини химоя килишга хизмат килади;

никохдан ажратиш хақидаги даъво аризасининг кўрмасдан қолдирилиши, бунга асос бўлиб хизмат килган холатлар бархам топган бўлса, такрорий равишда судга никохдан ажратиш хакида даъво аризаси билан мурожаат қилишга тўскинлик килинмаслиги хакидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан никохдан ажратишга оид ишлар бўйича конунчиликни кўллаш амалиёти тўгрисида»ги 2011 йил 20 июлдаги 06сонли қарорининг 6-банди учинчи хатбошисига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фукаролик ишлари бўйича айрим карорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўгрисида"ги 2018 йил 12 ноябрдаги 34-сонли карори билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларда инобатга олинган (Ўзбекистон 16 декабрдаги Республикаси Олий судининг 2020 йил 11/62-20-сон **Ўзбекистон** маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий килиниши кодексининг 39-моддаси Республикаси Оила амал килиш доирасини аниқлашга хизмат қилди;

никохдан ажратиш ишларини судда кўриш жараёнида ярашиш учун бериладиган мухлат уч ойдан кам бўлиши самарасиз хисобланиши хамда эрхотинни яраштириш максадида олти ойлик мухлат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга колдирилиши мумкинлиги хакидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан никохдан ажратишга оид ишлар бўйича конунчиликни кўллаш амалиёти тўгрисида»ги 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли карорининг 15-банди биринчи хатбошисига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фукаролик ишлари бўйича айрим карорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўгрисида"ги 2018 йил 12

ноябрдаги 34-сонли қарори билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 16 декабрдаги 11/62-20-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши эр-хотинга тайинланадиган ярашиш муҳлатининг чегараларини аниқлаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, 8 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

#### ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси) Диссертациянинг қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадкикотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига ўрганилганлик мувофиклиги, муаммонинг даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмийтадкикот ишлари билан боғликлиги, тадкикотнинг максад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадкикотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадкикот натижаларининг ишончлилиги, тадкикот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг хажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ўзбекистон Республикасида никохдан ажратиш хукукий ходиса сифатида» деб номланиб, унда никохдан ажратиш тушунчаси, унинг хукукий мохияти ва ижтимоий шартлари, зардуштийлик ва ислом шариати амал килган даврида Ўзбекистон тарихидаги никохдан ажратиш масалалари, Ўзбекистон Республикасида никохдан ажратиш тўғрисидаги конун хужжатлари шаклланиши ва ривожланиши тахлил килинган.

Мамлакатимиз қонунчилиги, ривожланган давлатлар ва МДХ давлатлари тажрибаси асосида диссертант дунёда *икки концепция* — никохдан ажратиш жараёнини назорат қилиш ва никохдан ажратиш оқибатларини назорат қилиш концепциялари мавжудлигини таъкидлайди. Ривожланган давлатлар никохдан ажратиш оқибатларига кўпроқ эътибор қаратишади, чунки хорижий давлатларда тузилган никоҳларнинг ярмидан кўпи бекор булади. Ўзбекистон Республикасида айтиб ўтилган коэффициент 100 тадан 10 га тенг, шу сабабли диссертант биринчи концепцияни танлаб, ўша 10 та ажрашаётган оилани ҳисобга олиб, оила қонунчилигига никоҳдан ажратиш оқибатларини тартибга солувчи нормаларни жорий қилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Доктринал (Ф.М. Отахўжаев, М.В. Антокольская, М.С. Каменецкая, О.А.Рузакова, Воb Вагг) ва конунчилик таърифлари (МДХ давлатлари ва АҚШ тажрибаси) асосида оила ва никох тушунчаларига таъриф бериш таклиф килинган. Ўзбекистон Республикасида оила деганда жамиятнинг асосий ва бошлангич бўгини, ўз таркибига никох, қариндошлик, фарзандликка олиш ёки болаларни тарбиялаш учун қабул қилишнинг бошқа шакли асосида шахсий номулкий ва мулкий муносабатлар хамда мажбуриятлар билан богланган ва оилавий муносабатларни ривожлантиришга ҳамда мустаҳкамлашга ёрдамлашадиган шахслар доираси тушунилади. Ўзбекистон Республикасида никоҳ деганда фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларида рўйхатдан ўтган, оила яратишга ҳамда томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиришга қаратилган бир эркак ва бир аёлнинг ихтиёрий, ҳуқуқий иттифоқи тушунилади.

Диссертант бутун дунёда демократия ва жамият ривожланиши билан оилавий хаёт индивидуализацияси содир бўлаётганини, бунда шахснинг қадрият эканлиги, индивидуаллиги ЭНГ юқори оилада шахссизлаштирилиши амалга ошишини таъкидлайди. Оиланинг бундай анъанавий оиланинг бузилишига, оилавий қадриятларнинг қадрсизланишига, никох тузишдан олдин жинсий алоқаларга олиб келади. Мазкур трансформация юртимизни хам четлаб ўтаётгани йўк.

Никохдан ажратиш сабабларини таҳлил қилиб, моддий қийинчиликлар туфайли ажрашиш арафасида турган оилаларни «Темир дафтар» рўйхатига киритиш, уй-жойга муҳтож оилаларга ётоқхоналардан яшаш жойлари ажратиш, кейинчалик эса субсидия тўлаш орқали уй-жой сотиб олишга кўмаклашиш йўли билан давлат ёрдамини кўрсатиш баъзи сабаблар бартараф этилишига имкон беради.

Никохдан ажратиш сабабларидан бири бўлган эрта никох (болалар никохи) муаммосини бартараф этиш учун 2014-2019 йилларда турли ёшдаги эркак ва аёллар ўртасидаги никохлар сони ўрганилган (11 эркак ва 26357 аёллар 18 ёшга тўлмасдан никох тузишган), Миср, Хитой, АҚШ, Хиндистон, Гонконгдаги никох ёши таққосланган, Бола хукуклари конвенцияси (1989), Ўзбекистон Республикасининг «Бола хукукларининг кафолатлари тўгрисида»ги Қонуни, ЮНФПА, «Girls Not Brides» («Қизлар — келинлар эмас») халқаро нодавлат ташкилоти, Жахон соғликни сақлаш ташкилоти хисоботлари тахлил қилиниб, эркаклар ва аёллар учун никох ёши императив тарзда 18 ёш деб белгиланиб, узрли сабабларга кўра никох ёшини камайтиришни бекор қилиш асослантирилган.

Диссертантнинг таъкидлашича, никохдан ажратиш диний нуктаи назардан кораланади, хусусан, зардуштийликда никохдан ажратиш тулик такикланган, исломда эса Аллох томонидан энг нафратга лойик, аммо рухсат берилган иш, деб тушунилади. Шу билан бирга, исломда никохдан ажратишдан олдин ўзига хос ярашиш таомили мавжуд — икки томондан тарафларни яраштириш учун «судьялар» юборилган.

Собиқ иттифоқ ва ЎзССРнинг никохдан ажратиш қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таққосланган, чунки никохдан

ажратиш қоидаларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларда ўхшашлик мавжуд. 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига киритилган ўзгартишлар ҳам қайд этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистон Республикасида ФХДЁ органларида никохдан ажратиш асослари ва тартиби» деб номланиб, унда никохдинг тугатилиши тизимида никохдан ажратишнинг ўрни, ФХДЁ органларида никохдан ажратишнинг хукукий асослари, эр-хотиннинг ўзаро розилиги ва эр-хотиннинг бирининг аризаси асосида ФХДЁ органларида никохдан ажратишнинг ўзига хослиги хамда суд қарорига биноан никохдан ажратишни ФХДЁ органларида рўйхатдан ўтказишнинг тартиби ва муаммолари тахлил қилинган.

Узбекистон Республикаси оила ва фукаролик конунчилиги хамда хукукни амалиёти, мамлакатимиз (Ф.М.Отахўжаев, Д.М.Караходжаева, Д.Ю.Хабибуллаев, Н.Х.Рахмонкулова) ва хорижлик олимларнинг (Каte Standley, Jonathan Herring, В.В.Измайлов, П.В.Крашенников) илмий ишлари, маълумотлар (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Нукус шахар ФХДЁ архивининг кам сонли материаллари), Франция, Буюк Британия, АҚШ, Корея Республикаси тажрибасига (никохдан ажратиш ишлари махсус судлар – оилавий судлар томонидан амалга оширилади) асосланган холда никохдан ажратиш ишларининг факат суд томонидан кўрилиши, кейинчалик эса судларнинг штат бирлиги ва аризалар келиб чикиб, судьяларни ихтисослаштириш сонидан асослантирилган. Диссертант мазкур таклиф асосида **Узбекистон** Республикаси Оила кодексининг 38 ва 42-моддаларига ўзгартиш қўшимчалар киритиш, 43, 218, 219-моддаларни эса чиқариб ташлашни таклиф

Диссертант томонидан никохдан ажратиш ишларини судларга тўлик ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 42-моддасига ФХДЁ органларини суд органлари билан алмаштириш, вояга етмаган фарзандлари бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан никохдан ажратиш, соддалаштирилган тартибда яраштириш учун мухлат бериш, шунингдек ҳар бирининг яшаш жойидаги фукаролар йиғинидаги оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясини хабардор қилиш тартибини таклиф этади.

Хуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш натижасида ФХДЁ органлари томонидан суднинг никохдан ажратиш тўгрисидаги конуний кучга кирган аникланди. Ўзбекистон олиш тартиби йўклиги кўчирма Республикаси Оила кодексининг 47-моддаси талабларига биноан никох суд қарори қонуний кучга кирган кундан эмас, балки никохдан ажратилганлиги хакида ФХДЁ органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади. Амалда суд томонидан никохлари ажратилган, лекин ФХДЁ органларида рўйхатга олинмаган ажрашишлар сони кўпайиб, эр-хотиннинг мулкий характердаги муаммолари келиб чикади. Россия Федерацияси тажрибаси ва Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги «Суд фаолиятини хокимияти органлари рақамлаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПҚ—4818-сон Қарорига асосан никохдан ажратиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга киргандан кейин уч кун ичида ушбу қарордан кўчирма электрон шаклда ФХДЁ органларига юборилиши тўғрисидаги суднинг қўшимча мажбуриятини жорий қилиш таклиф этилди.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистон Республикасида суд томонидан никохдан ажратишнинг асослари, тартиби ва хукукий оқибатлари» деб номланиб, унда суд томонидан никохдан ажратиш ишларини кўриб чикишнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси конунчилиги бўйича эр-хотинни яраштириш институти, никохдан ажратишнинг хукукий окибатлари тахлил килинган.

Диссертант томонидан аёлнинг ҳомиладорлик вақтида ва бир ёшга тўлмаган фарзанди борлигида хотиннинг никоҳдан ажратишга розилиги олиниши қонунчиликда белгиланмаганлиги, Ф.М.Отахўжаев ва В.А.Сенькиннинг илмий ишлари асосида хотинни ва судни инсофсиз эр — даъвогардан муҳофаза қилиш учун мазкур розилик ёзма равишда олиниши асосланган.

Никохдан ажратиш жараёнини назорат қилиш ва оилани сақлаб қолиш концепцияси, Буюк Британия (Matrimonial Causes Act, 1973) тажрибасини инобатга олиб, никох тузилган кундан бошлаб бир йил ўтмасдан никохдан ажратишни тақикловчи норманинг жорий қилиниши ёш оилалар ўртасида никохдан ажратишлар сонини камайишига олиб келиши асослантирилган. Шунингдек, Франциянинг ижобий тажрибасидан келиб чикиб, никохдан ажратишнинг олдини олиш кафолати сифатида ва никохдан ажратишда айбдор бўлган тарафга «санкция» қўллаш орқали миллий қонунчиликка никохдан ажратишга айбдор бўлган эр ёки хотин иккинчи томонга белгиланган пул, мулкка бўлган хукукни ўтказиш ёки умрбод рента кўринишида компенсация нафакасини тўлаш кераклиги таклифи ишлаб чикилди.

Диссертант томонидан никохдан ажратиш иши судда кўрилаётганда эрхотин ва болаларнинг яшаш жойи, кийим-кечак ва шахсий буюмларни олиш, турмуш ўртоғи ёки фарзандларни моддий таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норма мавжуд эмаслиги аникланди. Никохдан ажратиш процессининг давомийлиги ва Франциянинг ижобий тажрибасини хисобга олиб, суд томонидан юкоридаги масалалар бўйича вактинчалик чораларни кўллашни конунчиликка киритиш таклифи ишлаб чикилди.

Фуқаролик процессуал қонунчилигининг умумий қоидаларига биноан айни бир тарафлар, асослар ва низо бўйича суд қарор қабул қилганда, даъвогар ўз талабларидан бош тортганда ёки келишув битими тасдиқланганда, тарафларнинг судга қайта мурожаат қилишига йўл қўйилмайди. Никохдан ажратиш ишлари бошқа фуқаролик ишларидан фарқ қилади (Д.Ю.Хабибуллаев) ва истисно тариқасида юқоридаги асослар бўйича такрорий мурожаатга йўл қўйилади, лекин мазкур холат Фуқаролик процессуал кодексида ўз ифодасини топмаганлиги сабабли ушбу қоидани қонунчиликка киритиш лозим.

**У**збекистон Республикасининг Диссертант норматив-хукукий хужжатлари хамда И.Насриев, И.Якубова, А.Елисеева, Н.Соловьев илмий ишларини тахлил қилиб, оилавий сир институти миллий хуқуқ илмида етарли даражада ривожланмаганлиги, никохдан ажратиш жараёнида оилавий хаёт тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор килинишига олиб таъкидлайди. Шу сабабли Конституцияни (63-модда), Оила кодексини (1 ва 40-моддалар), Фукаролик процессуал кодексини (12-модда) оилавий сирни ташкил қилувчи маълумотлар доирасини, унинг қонун билан химоя қилиниши ва суд мажлиси ёпик шаклда ўтказилишини белгилайдиган нормалар билан тўлдириш таклиф этилади.

Оила қонунчилигида эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқлигини белгиловчи асослар рўйхати келтирилмаган, шу сабабли Франция, Буюк Британия, Германия, МДХ давлатлари тажрибаси, И.В.Решентикова, П.В.Крашенинников, П.А.Астаховларнинг тадқиқотлари тахлил қилиниб, судьялар орасида ижтимоий сўровнома ўтказилиб, оила батамом бузилганлигини ифодаловчи (эр-хотин орасида яқин муносабатларнинг йўқлиги, узоқ вақт давомида бирга яшамаслиги, хиёнат, бошқа шахс билан фактик никох муносабатларининг мавжудлиги, турмуш ўртоғи ва (ёки) вояга етмаган фарзандлари билан шафқатсиз муносабатда бўлиши) фактлар рўйхати ишлаб чиқилди.

Диссертант Оила кодексининг 45-моддасида камчилик сифатида суд никохдан ажратиш ҳақида қарор қабул қилиб, ФХДЁ органлари томонидан никоҳдан ажратиш гувоҳномаси берилаётганда эр-хотинлардан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдорини белгилайди (гербли гувоҳномани бериш учун давлат божи аниқ белгиланган). Қонун чиқарувчи бу ҳолатда (45-модда) ФҲДЁ органларида никоҳдан ажратишни рўйҳатга олиш учун давлат божини тўлашни тартибга солишни назарда тутган. Бу тушунмовчилик, ўз навбатида, қонунчиликка ўзгартишлар киритишни талаб қилади.

Тадқиқотчи яраштириш институтини (ижтимоий тадқиқот, хукуқни қўллаш амалиёти, яраштириш комиссияларининг фаолиятида иштирок этиш, хорижий тажриба) ва тадқиқотчиларнинг илмий ишларини (У.Шарахметова, И.Рустамбеков, Сэр Генри Брук, А.В.Измалков, А.Р.Пурге) ўрганиб, ушбу институт самарасиз, — деган хулосага келади. Фукаролар йиғинида яраштирув комиссиялари ўрнига янги комиссиялар ташкил қилиниши оилавий низоларни самарали кўриб чикиш муаммосини ҳал қилмайди, бу эса медиация институтидан кенг фойдаланиш орқали ушбу тизимни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

#### ХУЛОСА

«Ўзбекистон Республикасида никохдан ажратишнинг хукуқий асосларини такомиллаштириш» мавзусида олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги илмий-назарий, қонун ижодкорлиги ва хукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид хулосаларга келинди:

#### І. Илмий назарий хулосалар:

- 1.1. Дунёда никохдан ажратиш бўйича давлат сиёсати нуқтаи назаридан икки концепция никохдан ажратиш жараёнини назорат қилиш ва никохдан ажратиш оқибатларини назорат қилиш концепциялари мавжуд. Кўплаб ривожланган давлатлар иккинчи концепциядан фойдаланади, никохдан ажратишни ўрганишдан ва унинг олдини олишдан бош тортади ҳамда никохдан ажратиш оқибатларини ўз қонунчилигида батафсил баён этади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур мамлакатларда тузиладиган никоҳларнинг ярмидан кўпи ажралиш билан тугайди. Ўзбекистон Республикасида никоҳдан ажралишлар сони унчалик кўп эмас (100 тадан 10 та), шу сабабли биринчи концепцияга риоя қилган ҳолда никоҳдан ажралиш сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш орқали никоҳдан ажралиш жараёнини назорат қилиш ҳамда 100 та оиладан 10 та оилани эсдан чиқармасдан никоҳдан ажратиш оқибатларини назорат қилиш лозим.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси никохдан ажралишларнинг олдини олишга интилади ва ушбу мақсад учун барча чораларни кўрмокда. Хусусан, давлат божини оширмокда, бўлажак эр-хотинлар ўртасида сухбатлар ўтказилмокда, уй-жой сотиб олиш учун субсидиялар тўланмокда. Ушбу рўйхат никохдан ажратиш сабаби моддий қийинчиликлар бўлган такдирда, эхтиёжманд оилани «Темир дафтар» рўйхатига киритиш, уй-жой етишмаслиги сабаб бўлганда, ётоқхоналардан жой ажратиш каби воситалар билан тўлдирилиши лозим.
- 1.3. Оилани сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ёки бир ёшга тўлмаган фарзанди бўлганда, эрнинг никоҳдан ажратиш ташаббуси чекланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиб, Оила кодексига никоҳ тузилган кундан бошлаб бир йил ўтмасдан никоҳдан ажратишни таҳиқловчи нормани киритиш лозим, бу норма ёш оилалар ўртасида никоҳдан ажралишлар сони камайишига олиб келади.
- 1.4. Оилани сақлаб қолиш, никохдан ажралишга айбдор бўлмаган тарафни қўшимча кафолат билан таъминлаш ва никохдан ажралишга айбдор бўлган тарафга «санкция» қўллаш орқали миллий қонунчиликка никохдан ажралишга айбдор бўлган томон иккинчи томонга белгиланган пул, мулкка бўлган хукукни ўтказиши ёки умрбод рента кўринишида компенсация нафакасини тўлаши керак.
- 1.5. Оилавий сир институти миллий хуқуқ илм-фани томонидан етарли даражада ўрганилмаган ва қонунчиликда ўз ифодасини топмаган. Оилавий сирни ташкил этадиган маълумотлар доирасини белгилаш (оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг таржимаи холи, эр-хотиннинг шахсий хаёти, мулкий муносабатлари, фарзандликка олиш ва оила аъзолари сир сақлашни истаган бошқа маълумотлар) шахснинг шахсий ҳаётини муҳофаза қилиш муаммосини ҳал қилади.
- 1.6. Ривожланган мамлакатларда никохдан ажратиш тўғрисидаги ишлар махсус оилавий судлар томонидан кўриб чикилади. Ушбу ёндашув мазкур давлатларда оилавий ишлар кўплиги билан изохланади. Мазкур давлатлар тажрибасини Ўзбекистон Республикасида жорий килиш максадга мувофикдир (никохдан ажратиш ишларининг факат судлар томонидан кўрилиши), чунки

фукаролик ишлари бўйича судларда кўриб чикилаётган ишларнинг 25 % дан ортиғи оилавий низоларга оид. Биринчи боскичда ҳар бир судда судьяларнинг 25 % ини оилавий ишларга ихтисослаштириш таклиф этилмокда.

1.7. Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида никохдан ажратиш иши судда кўрилаётганда, эр-хотин ва болаларнинг яшаш жойи, кийим-кечак ва шахсий буюмларни олиш, турмуш ўртоғи ёки фарзандларни моддий таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норма мавжуд эмас. Никохдан ажратиш процессининг давомийлигини ҳисобга олиб, суд томонидан юқоридаги масалалар бўйича вақтинчалик чораларни қўллашни миллий қонунчиликка жорий қилиш таклифи ишлаб чиқилган.

#### II. Қонун ижодкорлиги сохасидаги таклифлар:

2.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида оилавий сир институтига етарли даражада эътибор берилмаган. Қонун устуворлиги тамойили ва оилавий сирга тегишли маълумотлар ҳимоя ҳилинишини таъминлашдан келиб чиҳиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасини учинчи ҳисм билан тўлдириш ва уни ҳуйидаги таҳрирда баён этиш таҳлиф ҳилинмоҳда:

«Оилавий сир қонун билан муҳофаза қилинади».

- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексини такомиллаштириш бўйича таклифлар:
- 1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини оилавий сирни химоя киладиган коида билан тўлдирилиши муносабати билан ушбу институт билан боғлик маълумотлар доирасини аниклаш керак. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексини куйидаги тахрирдаги 1¹-моддаси билан тўлдириш таклиф этилади:

#### $\ll 1^1$ -модда. Оилавий сир

Оилавий сирни ташкил этадиган маълумотлар (оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг таржимаи холи, эр-хотиннинг шахсий ҳаёти, мулкий муносабатлари, фарзандликка олиш ва оила аъзолари сир сақлашни истаган бошқа маълумотлар) қонун билан муҳофаза қилинади. Оилавий сирни ташкил этувчи маълумотларни йиғиш ва тарқатиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади».

2. Қонунчиликда оила ва никоҳ атамаларининг маъноси аниқланмаган, бу никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратиш вақтида маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шундан келиб чиқиб, Оила кодексини  $1^2$ -моддаси билан тулдириш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади:

#### $\ll 1^2$ -модда. Оила ва никох тушунчаси

Ўзбекистон Республикасида оила деганда, жамиятнинг асосий ва бошланғич бўғини, ўз таркибига никох, қариндошлик, фарзандликка олиш ёки болаларни тарбиялаш учун қабул қилишнинг бошқа шакли асосида шахсий номулкий ва мулкий муносабатлар, мажбуриятлар билан боғланган ва оилавий муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга ёрдамлашадиган шахслар доираси тушунилади.

Ўзбекистон Республикасида никох деганда фукаролик холатлари далолатномаларини ёзиш органларида рўйхатдан ўтган, оила яратиш хамда

томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтиришга қаратилган бир эркак ва бир аёлнинг ихтиёрий, ҳуқуқий иттифоқи тушунилади».

- 3. Никохдан ажратиш сабаблари ва ривожланган давлатлар тажрибаси тахлили асосида эркаклар ва аёллар учун никох ёши императив тарзда 18 ёш деб белгиланиб, узрли сабабларга кўра никох ёши камайтирилишини бекор килиш зарур. Шу сабабли узрли сабабларга кўра никох ёшини камайтиришни тартибга солувчи Оила кодексининг 15-моддаси иккинчи кисмини чикариб ташлаш таклиф этилади.
- 4. Никохдан ажратиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, ФҲДЁ органларининг никоҳдан ажратиш ишларини кўриб чиқиш ваколатларини суд органларига ўтказиш орқали мазкур тизимни ислоҳ қилиш таклифи ишлаб чиқилди. Оила кодексидан ФҲДЁ органлари томонидан никоҳдан ажратиш ишларини кўриб чиқишни тартибга солувчи 43, 218, 219-моддаларни чиқариб ташлаш таклиф қилинади, 38-моддани эса қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофик:

#### «38-модда. Никохдан ажратиш тартиби

Никохдан ажратиш фақат суд тартибида амалга оширилади».

Оила кодексининг 42-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

### «42-модда. Эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда суд томонидан никохдан ажратиш

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никохдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, улар никохдан суд томонидан ажратилади.

